

Ким ҳақ эканини бандалар эмас, Аллоҳ таоло аниқлайди | Ақийда дарслари (237-дарс)



19:00 / 24.07.2023 2582

Мўмин-мусулмон киши қиёмат куни тарози бўлишига ва унда ҳар бир одамнинг бу дунёда қилган амаллари ўта аниқлик билан тортилишига жазм ила эътиқод қилмоғи лозим. Чунки бу ҳақда Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда ҳеч қандай таъвилни кўтармайдиган равишда очиқ-ойдин иборалар билан хабарлар келган.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида:

شَيْئًا نَفْسٌ نُّظَلِّمُ فَلَا الْقِيَامَةَ لِيَوْمِ الْقِسْطِ الْمَوْزِينِ وَنَضَعُ

بِنَاوَكْفَىٰ بِهَا أَثْمِنًا خَرَدَلٍ مِّنْ حَبَّةٍ مِّثْقَالٍ كَانَتْ وَإِنْ

«Қиёмат куни учун адолат мезонларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз», деган (47-оят).

Қиёмат қоим бўлгандан кейин дод-войларга, эътирофларга, тавба-тазарруларга ва ёлворишларга қаралмайди.

«Қиёмат куни учун адолат мезонларини қўюрмиз».

У мутлақ адолат тарозиси бўлади. Ҳаммага бир хил муносабатда бўлинади.

«Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас».

Фойдасидан камайтирилмайди, зарарига қўшилмайди.

«Агар (амал) ачитқи донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирамиз».

Ачитқи донаси жуда кичик бўлади. Агар инсоннинг бу дунёда қилган яхшию ёмон амали ўша кичик доначалик оғирликка эга бўлса ҳам, ҳисобга олинади. Яъни ҳеч бир амал эсдан чиқарилмайди.

«Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз».

Бизга бошқа ҳисобчининг кераги йўқ.

Демак, қиёмат куни келмасидан олдин ҳаракат қилиб қолиш керак. Унга тайёргарлик кўриш лозим.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида:

هُم فَأُولَٰئِكَ مَوْزِينُهُ، ثَقُلَتْ فَمَنْ الْحَقُّ يَوْمَئِذٍ وَالْوَزْنُ

الْمُفْلِحُونَ ﴿٨﴾

«Ўша куни тортиш ҳақдир. Бас, кимларнинг тарозилари оғир келса, ана ўшалар - ҳа, ўшалар зафар топувчилардир», деган (8-оят).

Қиёмат куни фақат савол-жавоб билан кифояланиб қолинмайди. Балки ундан ҳам дақиқроқ ишлар бўлади. Ҳар бир инсоннинг қилган амаллари тарозига солиб тортилади. Бу тарози аниқ ишлайдиган тарози бўлиб, зарранинг оғирлигини ҳам сезади. Ана ўша тортишда кимнинг амаллари оғир келса, у нажот топади, жаннатга киради.

Аллоҳ таоло Шууро сурасида:

لَعَلَّ يَدْرِيكَ وَمَا وَالْمِيزَانَ بِالْحَقِّ الْكِتَابَ أَنْزَلَ الَّذِي اللَّهُ

قَرِيبُ السَّاعَةِ ﴿١٧﴾

«Аллоҳ ҳақ ила Китобни ва мезонни нозил қилган Зотдир. Қаердан билурсан, эҳтимол, Соат яқиндир!» деган (17-оят).

Одамлар ўзларича, мен ҳақман, деб талашиб-тортишиб юрибдилар. Ҳар ким ўзини ҳақ, ўзгани ноҳақ билади. Ҳар ким ҳақни ёки ноҳақни ўз қаричи билан ўлчайди.

Ҳолбуки, «**Аллоҳ ҳақ ила Китобни ва мезонни нозил қилган Зотдир**».

Ким ҳақ эканини бандалар эмас, балки бандаларнинг Робби Аллоҳ таоло аниқлайди. Бунинг учун У Зот ҳақ ила китобни нозил қилиб қўйди. Ким Аллоҳ нозил қилган китобга мувофиқ иш тутса, ҳақ бўлади. Ким Аллоҳ нозил қилган китобга хилоф иш тутса, ноҳақ бўлади.

Шунингдек, бандаларнинг амаллари, ахлоқлари, тасарруфотлари ўша тарози ўлчовида қийматли бўлса, нажот топади. Кимники вазнга эга бўлмаса, ҳалокатга учрайди. Буларнинг ҳаммаси қиёматда маълум бўлади.

«**Қаердан билурсан, эҳтимол, Соат яқиндир!**»

Кўз юмиб-очгунча қоим бўлиб қолар. Шунинг учун ўша соатга, ўша ўлчовга доим тайёр тургин.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида қуйидагиларни айтади:

وَمَنْ أَلْمَفْلِحُونَ هُمْ فَأُولَئِكَ مَوْزِينَهُ، ثَقُلَتْ فَمَنْ

جَهَنَّمَ فِي أَنْفُسِهِمْ خَسِرُوا الَّذِينَ فَأُولَئِكَ مَوْزِينَهُ، خَفَّتْ

خَالِدُونَ ١٠٣

«Кимнинг тарозиси оғир келса, бас, ана ўшалар зафар топувчилардир. Кимнинг тарозиси енгил келса, бас, ана ўшалар ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда мангу қолувчи бўлибдилар» (102-103-оятлар).

Қиёматдаги тарози ва амалларни тортиш ҳақида кўплаб ҳадиси шарифлар келган. Баъзилари билан танишиб чиқайлик.

أَهْنَعُ هَلَلًا يَضَرَّةَ شَيْءٍ أَعْنَعُ
تَكَبَّرَ رَأْسًا تَرَكَ ذَاهِنًا
يَلَصُّ هَلَلًا لَوْ سَرَّ لَأَقْفُ
أَمْ «مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلًا
تَرَكَ ذُتْلَاقُ» «يَكُي كُبِّي
لَهْفُ تَيْكَبَّرَ رَأْسًا
مُويْ مُكَيْلَهْ أَنْوْرُكُذَّتْ
هَلَلًا لَوْ سَرَّ لَأَقْفُ؟ مَأي قُلَا
مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلًا يَلَصُّ
أَلَفَ نَطَاوْمَ هَثَالَتْ يَفَ أَمَّا
نَازِي مَلَا ذُنْعُ: أَدَحَ أَدَحَ رُكُذِّي

وَإِنَّ أَرْيَمَ فِخْيَا مَلْعَيْ يُّتَح
يُّتَح بِأَتِكُلَا دُنْعَو ، لُقُثَي
يَفَا هُبَاتِكُ غَقَي نِيَا مَلْعَيْ
نَمَّ مَأْهِلَامَش ي فَمَّأْهِلَامَي
إِذَا طَارَّصَلَا دُنْعَو ، هِرَّةَظْءَارَو
هُأَوْر . «مَنْ نَهَجْ يِرَّةَظْ نِيَا بَعَضُ
دُوَادُ وَبَأْ»

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«У киши дўзахни эслаб йиғладилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сени нима йиғлатяпти?» дедилар.

«Дўзахни эслаб йиғладим. Қиёмат куни аҳли аёлларингизни эслайсизларми, эй Аллоҳнинг Расули?» деди.

«Уч жойда биров бировни эсламайди. Тарози олдида, то тарозиси энгил келадими, оғир келадими, билгунича. Китоб (берилиши) вақтида, то китоби ўнгдан тушадими ёки чапданми ёхуд олдинданми, билгунича. Сирот жаҳаннамнинг икки қирғоғига қўйилганда», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифдан бандаларнинг амалларини тарозида тортиш палласи қиёмат кунининг энг оғир уч палласидан бири эканини билиб оламиз. Ўша паллада ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб, бошқани эшлашга имкони бўлмас экан. Чунки ҳамма учун тарозиси оғир келиши лозим бўлиб қолади. Ҳамма тарозим енгил келиб қолмаса эди, деган ташвишда бўлади. Аллоҳ таоло ўша пайтда тарозимизнинг оғир келишини насиб қилсин!

جَلَّاقُ هُنَّ عُهُلٌ لِّلَايِضَرِّ سَنَانُ نَع
هُلِّلَايِ لَصِّ يَبِّنَلَا تُلَّاس
يَلَّعَ فُشَيِّ نَأْمَلَسَوِ هِيَلَّع
أَنَا» جَلَّاقُ فِ، ةَمَايِقُلَا مَوِي
لُوسَرَايِ: تُلُّقُ جَلَّاقُ. «لَّعَاف
جَلَّاقُ؟ كُبُّلَطَا نِيَّأَفِ، هَلِّلَا
يَنْبُلَطَاتِ أَمَلَّوَايِ نَبُّلَطَا»
تُلُّقُ جَلَّاقُ. «طَارُّصَلَايِلَّع
طَارُّصَلَايِلَّعَ كَقُلَا مَلُّنِإِفِ
ذُنَّعِ يَنْبُلَطَا» جَلَّاقُ
مَلُّنِإِفِ: تُلُّقُ. «نَايِمَلَا

لَاقِ ۚ نَأزِيْمًا دُنِعَ كَقَوْلَا
ضَوْحًا دُنِعَ يَنْبُلُ طَافُ
ثَالِثًا لِهَذِهِ طُخُّ أَلِ يَنْفِ
«نَطَاوَمًا».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан қиёмат куни мени шафоат қилишларини сўрадим. Шунда у зот:

«Мен шундай қилурман», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизни қаердан излай?» дедим.

«Аввало мени излаганда сиротдан изла», дедилар.

«Сизни сирот устида топмасам-чи?» дедим.

«Тарози олдидан изла», дедилар.

«Сизни тарози олдида ҳам топмасам-чи?» дедим.

«Унда мени ҳовузнинг олдидан изла. Мен шу уч жойдан бирида бўламан», дедилар».

Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёмат куни сирот, тарози ва ҳовуз орасида бориб-келиб турадилар. Ўзларининг шафоатларига сазовор умматларига мазкур уч жойдан бирида йўлиқадилар. Аллоҳ таоло барчамизга ўша кунда у зотга йўлиқиб, шафоатларига сазовор бўлишни насиб этсин.

يَضَرُّ وَزَمَعَنَّ بِلِلْ دَبَعَنَّ
لُوسَرَ لَأَقِ: لَأَقِ أُمَّهَنَّ هِلْ
هَيْلَعُ هِلْ لَأِ يَلَّصْ هِلْ
صَلَّخِي سَهْلْ لَأِ نَأِ» مَلَّسَو
سُؤْرِي لَعِ يَتَّمَأْ نَمِ أَلْجَرِ
، مَأِي قَلْ مَوِي قِي أَلْخَلْ
عَسَتِ هَيْلَعُ رُشْنِي فِ
لَجَسُّ لُكْ ، أَلْجَسَّ نِي عَسَتَو
لُوقِي مُمْتِ ، رَصَبْلْ دَمُّ لُثِمِ
؟ أَيُّ يَشِ أَدَهُ نَمِ رُكُنُتَأْ
يَتَبَتَكَ كَمَلْ ظَأْ
أِي أَلْ : لُوقِي فِ ؟ نُوْظِفِ أَلْ
؟ رُدْعَكَ لَفَأْ : لُوقِي فِ بَرِ

لُؤُقَيِّفِ ۖ بَرَّايِ آلُؤُقَيِّفِ
ةَنَسَحِ اَنذَنَعَكَلِّنَا، يَلَب
مُؤَيِّلَاكِيَلَعَمْلُظِ آلُهُنَّافِ
دَشَأَاهِي فُةَقِاطِبُجُخَتَفِ
نَأَدَشَأُو، هَلَلَاإِلِإِةَلِإِلْ نَأ
هُلُؤُسَرُوهُذَبَعِ أَدْمَحُمِ
كَنْزُو رُضُحَا لُؤُقَيِّفِ
هَذِهِ أَمِ بَرَّايِ لُؤُقَيِّفِ
تُالْجُؤُسَلِإِ هَذِهِ عَمُةَقِاطِبُؤُا
بَلِاقِ مَلُظُتِ آلُكُلِّنَا بَلِاقِفِ
ي فُتُالْجُؤُسَلِإِ عَضُؤُتَفِ
هُؤُفَكِ ي فُةَقِاطِبُؤُا، هُؤُفَكِ
تَلُؤُقَتَؤُتُؤُتُالْجُؤُسَلِإِ تَشِاطِفِ

عَمُّ لُقُثَيِّ آلِ فُ، عَقِطِ بُلَا هُ أَوْر. «عُيَّ شِ هَلَلَا مَسَا يِ ذِمَّرْتَلَا

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Албатта, Аллоҳ таоло қиёмат куни менинг умматимдан бир кишини халойиқнинг олдида турғизиб қўяди-да, унинг устидан тўқсон тўққизта дафтарни очади. Ҳар бир дафтарнинг узунлиги кўз етгунча бўлади. Сўнгра Аллоҳ:

«Мана шундан бирор нарсани инкор қиласанми? Ёзувчи фаришталарим сенга зулм қилдиларми?» дейди.

«Йўқ, эй Роббим!» дейди.

«Узринг борми?!» дейди. «Йўқ, эй Роббим!» дейди.

«Худди шундай. Албатта, Бизнинг ҳузуримизда сенинг бир дона яхшилигинг бор. Бугун сенга зулм қилиш йўқ», дейди. Кейин бир варақа чиқарилади. Унда «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу», деб ёзилган бўлади. Бас, У Зот:

«Тортишингга ҳозир бўл!» дейди.

«Эй Роббим! Манави варақа ва манави дафтарлар нима?» дейди.

«Албатта, сенга зулм қилинмас», дейди.

Бас, дафтарлар бир паллага ва варақа бир паллага қўйилади. Дафтарлар енгил келади. Варақа оғир келади. Аллоҳнинг исмидан ҳеч нарса оғир келмас».

Термизий ривоят қилган.

Аллоҳ таолога ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириш қиёмат куни тарози босадиган асосий нарсалигини шундан билиб оламиз.

Биз мазкур тарозининг нави, жавҳари, сони, шакли ва кайфияти ҳақида баҳс ҳам, фикр ҳам юритмаслигимиз лозим. Бу каби тафсилотлар илмини Аллоҳ таолонинг Ўзига ҳавола қилиб, оят ва ҳадисда келган маънога иймон келтирамиз.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.